

БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ-ИММУНИОЛОГИК ТАРБИЯСИДА ВАЛЕОЛОГИК ҚАРАШЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.

Тўрақулова И.Х. –ўқит.(ЖДПИ)

Ҳар қандай жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ўта муҳим ва долзарб муаммо бўлиб келган. Ушбу муаммони ҳал қилишда турли мафкуралар шакиллантирилган ва улардан амалий фаолиятда фойдаланиб келинган.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам мустақиллик қўлга киритилиши биланок келажагимиз пойдевори бўлмиш ёшларга катта эътибор қаратилмоқда, чунки мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил қилади. Шу сабабли ҳам ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасигача кўтарилди. Бу давлат сиёсати **ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг соғлом турмуш тарзини шакиллантириш**, ҳар бир ёшнинг куч-қудрат, истеъдод, ақл-заковат, билим ва касб-хунарни чуқур эгаллаб, ижтимоий ҳаётда улкан мақсад ва вазифаларни адо этишга тайёрлашга қаратилгандир.

Шу боисдан ҳам бугунги талаба - ёшларимизни ҳозирда дунё бўйича глобаллашув жараёни кетаётган бир шароитда турли хил ўта зарарли ва хавфли (тажовузкор) мафкуравий таъсирлардан сақлаш, яъни халқаро терроризм, диний экстремизм, фундаментализм, шовинизм, кибертерроризм, ОИТС каби салбий ва ёт таъсирларга берилмайдиган баркамол авлодни тарбиялашга давлатимизда катта эътибор қаратилмоқда ва бунга мос педагогик тадқиқотлар олиб бориш давр талабидир.

Маълумки, **соғлом турмуш тарзи** деганда биз миллий менталитети кучли, миллий иммунитети мустаҳкам одамларнинг онгли, ижтимоий фойдали меҳнат билан кечадиган фаолияти, инсоф, диёнат, адолат тамойилларига асосланган ўзаро муносабатлари, маънавий баркамоллик сари интилишари (“маънавий қашшоқ” эмаслиги), яъни валеологик қарашлар ифодасини тушунамиз. Чунки, **валеология таълимотининг асосий вазифаларида** ҳам аҳолининг соғлом турмуш тарзини ташкил этиш ва миллатнинг соғлом генафондини асраш ҳамда уни кейинги авлодга етказиш муаммолари ечими қаралади.

Ушбу ҳолатларни эътиборга олган ҳолда бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари (ББСЎ)ни касбий фаолиятга тайёрлашда уларнинг маънавий-иммуниологик тарбияси (МИТ) ўта муҳимдир. Мазкур жараёнда МИТ талаба - ёшларда шакилланадиган соғлом турмуш тарзи ва валеологик қарашларга ўйғунликда олиб борилгани маъқул бўлади. Бунга сабаб **инсонларнинг соғлом турмуш тарзида** оқлона ҳаёт кечириш, миллий менталитет, жамият, миллат ёки алоҳида олинган шахснинг тарихан таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, ҳаёт қонунларини таҳлил қилиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилиятлар қаралса, **валеологик қарашларда** эса инсонларнинг меҳнат қилиш қобилияти,

турмуш тарзи, туғри овқатланиши, дам олиш гигиенаси, шахслараро муносабатлар маданияти, экологик маданияти, ўз организмидини физиологик жиҳатдан соф ҳолатда сақлаш, бошқаларнинг саломатлиги тўғрисида ғамхурлик қилиш ва турли зарарли одатлардан сақланишга тегишли фаолиятлар қаралади.

Талаба – ёшлар МИТ нинг асосий мақсади эса **“маънавий беморлар”** бўлишига йўл қўймасликдан иборат бўлиб, бугунги ёшларни имони бутун, эътиқодини кучли, миллий иммунитетини мустаҳкам, миллий менталитетини кучли баркамол авлодни шакиллантиришдан иборатдир.

Талабалар МИТси соҳасида олиб борган изланишларимиз натижаларининг кўрсатишича талаба-ёшларимизни мустақиллигимизга мос ва хос баркамол шахс қилиб тарбиялашимизда уларнинг МИТ си ва улардаги соғлом турмуш тарзи ҳамда валеологик қарашлар интеграциясига эътибор берилса ББСЎни маънавий ва касбий етук, рақобатбардош қилиб тарбиялашга мустаҳкам дидактик асос яратилар экан.

Талабалар соғлом турмуш тарзига тегишли маълумотларни “Бошлангич таълим ва спорт тарбиявий иш” деб номланган ўқув режасидаги деярли барча фанлар блокларидан топиш мумкин.

Валеологик қарашларга тегишли маълумотларни эса 2006 йиллардан бошлаб олий таълим тизимида жорий этилган **“Валеология”** курсидаги маълумотлардан, жисмоний маданият ва тиббий билим асослари туркумидаги фанлардан олиш мумкин булади.

Талабалар МИТ га тегишли маълумотларни “Одобнома”, “Ватан туйғуси”, “Дин тарихи”, “Миллий истиклол ғояси: асосий тушунчалар ва атамалар” каби фанлардан талабаларни ташқи салбий таъсирлардан асраш (“ғоявий бушлиқ”қа йўл қўймаслик) рукнидаги материаллардан олиш мумкин.

Ушбу интеграциядаги МИТ, соғлом турмуш тарзи ва валеологик қарашларнинг мазмун моҳиятида албатта маънавий меросимиздаги буюк аллома ва мутаффакирлар қарашлари, таълимотлари акс этган бўлиши керак ва улардан талаба - ёшларни юксак маданиятли, эзгулик ва инсонпарварлик хислатларга эга қилиб тарбиялашда фойдаланиш лозим бўлади. Шунинг билан бирга мазкур интеграциядаги валеология шахс маънавиятига, миллат истикболига ижобий таъсир этиш орқали жамиятда яшовчи ҳар бир шахсни ўзини ва ўзгани қадрлаш, ўз тили, дини, урф-одати, анъаналари ва тарихига бефарқлик билан қарамасликларини талабаларга МИТ беришда эътиборга олиши лозим бўлади.

Демак, ББСЎ нинг МИТ сида уларнинг баркамол бўлиб етишишларида ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлишларига, ақлий етуклигига (интеллектуал салоҳиятли бўлишлигига), ахлоқий камолотига, маънавий етуклигига эътиборни қаратиш лозим экан. Бунинг билан юқоридаги қайд этилган интегратив ёндашувнинг амалий аҳамияти кучаяди ва айниқса талабаларга МИТ беришда валеологик қарашларнинг аҳамияти янада бойийди.